



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил “ 12 ” *декабрь*

№ 210

Yangibozor tumani

**Ҳазорасп туманининг “Карвак” маҳалласида яшовчи фуқаро Қаландаров Алишерга балиқчилик йўналишида фермер хўжалик ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, Ҳазорасп тумани “Карвак” маҳалласида яшовчи фуқаро Қаландаров Алишернинг балиқчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижалари ҳулосаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижалари, туман фермер ҳулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Ҳазорасп туманидаги “Карвак” маҳалласида яшовчи фуқаро Қаландаров Алишерга Чўболончи қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги 27-контурларда жойлашган умумий ер майдони 8,4 гектар, шундан сув ҳавзалари 8,4 гектардан иборат ер участкаси балиқчилик йўналишида 40 йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Ҳазорасп туманидаги “Карвак” маҳалласида яшовчи фуқаро Қаландаров Алишерга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Қаландаров Алишер ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фухаро А. Қаландаровга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳисса сифатида фойдаланиши;
- туман статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориши;

5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат қадасстри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун қилинган.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



Handwritten signature in blue ink.

**У.Курбанов**